



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИ

2020 йил сентябрь ойи учун

2020

-
- Январь
-
- Февраль
-
- Март
-
- Апрель
-
- Май
-
- Июнь
-
- Июль
-
- Август
-
- Сентябрь**
-
- Октябрь
-
- Ноябрь
-
- Декабрь

Мундарижа


I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси	2
II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар.....	3
Иқтисодий фаоллик индекси	3
Ишбилиармонлик кайфияти индекси.....	4
Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	5
Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	6
Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	7
Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар	8
III. Методологик изоҳлар.....	9

I. Сўров иштирокчилари таркиби ва географияси


Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиши, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди.

2020 йилнинг сентябрь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан 747 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 384 таси (51,4 фоизи) саноат соҳасида, 179 таси (24 фоизи) хизматлар соҳасида, 101 таси (13,5 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 83 таси (11,1 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

1-расм. Корхона ва ташкилотларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши



2-расм. Корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши




II. Жорий иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Иқтисодий фаоллик индекси

2020 йилнинг сентябрь ойи учун ўтказилган сўров натижалари мамлакатда иқтисодий фаолликнинг жадаллашганлигини кўрсатди. Хусусан, сентябрь ойида **иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ) 53,1** ташкил этиб, август ойига (47,1) нисбатан **6** бирликка ошди.

3-расм. Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий фаоллик индексининг (ИФИ) шаклланиши



Тармоқлар кесимида иқтисодий фаоллик индекси барча соҳаларда 50 дан юқори шаклланган бўлиб, иқтисодий фаоллик даражасининг энг юқори ошиши хизматлар ҳамда савдо соҳаларида кузатилди. Бунда иқтисодий фаоллик индекси:


- **хизматлар** соҳасида **46,4** дан **57** гача;
- **савдо** соҳасида **41,9** дан **54** гача;
- **курилиш ишлари** соҳасида **49,2** дан **51** гача;
- **саноат** соҳасида **48,4** дан **50,5** гача яхшиланган.

Ишбилармонлик кайфияти индекси

Сўров натижалари сентябрь ойида **ишбилармонлик кайфияти индекси** ижобий шаклланган бўлса ҳам август ойига нисбатан пасайганинги кўрсатди.

Хусусан, жами иқтисодиёт тармоқлари бўйича хисобланган ишбилармонлик кайфияти индекси сентябрь ойида 59,3 ни ташкил қилган бўлиб, август ойига (63,7) нисбатан 4,4 бирликка пасайган.

4-расм. Иқтисодиёт тармоқларида ишбилармонлик кайфияти индексининг (ИКИ) шаклланиши



Бунда, ишбилармонлик кайфияти индекси иқтисодиётнинг барча тармоқларида пасайган бўлиб, энг юқори пасайиш кўрсаткичлари қурилиш ишлари соҳасида (8,4 бирликка) ҳамда **хизматлар** соҳасида (6,6 бирликка) кузатилди. Шунингдек, ишбилармонлик кайфияти индекси **саноат** соҳасида 2,3 бирликка, **савдо** соҳасида 1,5 бирликка пасайди.

Саноат соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Жорий йилнинг сентябрь ойида саноат соҳасидаги **иқтисодий фаолликнинг** август ойидаги 48,4 дан 50,5 гача ошиши асосан, корхоналарда ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажмининг ошиши ҳамда иш ўринлари сонининг август ойига нисбатан кўпайиши билан изоҳланади.

Шунингдек, сентябрь ойида соҳадаги корхоналарнинг **молиявий ҳолати ва айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати** ҳам август ойига нисбатан яхшиланди. Хусусан, корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича ҳисобланган индекс август ойига нисбатан 1,9 бирликка, айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати эса 2,4 бирликка яхшиланди (**1-жадвал**).

1-жадвал. Саноат соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йигма индекс		
	2020 йил август	2020 йил сентябрь	Ўзгариши
Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши	55,3	57,9	2,6
Иш ўринлари сони ўзгариши	50,4	55,1	4,7
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	62,0	63,9	1,9
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	59,8	62,2	2,4
Буюртмаларнинг (талабнинг) жорий ҳолати	42,8	44,1	1,3
Тайёр маҳсулотлар захирасининг жорий ҳолати	51,8	52,5	0,7
Хом ашё материаллари захирасининг жорий ҳолати	45,3	44,7	-0,6
Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши бўйича кутилмалар	73,5	68,1	-5,4
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	64,9	59,0	-5,9

Шу билан бирга, саноат соҳасида **ишбилармонлик кайфияти индексининг** август ойига нисбатан пасайиши, асосан:

- тармоқ корхоналарининг келгуси 3 ойда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан боғлиқ кутилмаларининг 73,5 дан 68,1 гача;
- келгуси 3 ойда янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ кутилмаларининг 64,9 дан 59 гача пасайганлиги билан изоҳланади.

Ўз навбатида, соҳадаги кутилмаларнинг пасайиши август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида корхоналарнинг келгуси давр учун кутилмаларнинг сезиларли яхшиланишидан кейин сентябрь оига келиб мазкур кутилмаларнинг ўзининг нормал ҳолатига қайтаётганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Қурилиш ишлари соҳасида сентябрь ойида иқтисодий фаоллик индексининг август ойидаги **49,2** дан **51** гача ўсиши асосан, бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва иш ўринлари сонининг ошиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Шу билан бирга, тармоқда **ишбилиармонлик қайфияти индекси** сентябрь ойида август ойидаги 59,6 дан 51,2 гача ёки 8,4 бирликка пасайди. Мазкур ҳолат асосан мавсумий омиллар таъсирида куз-қишиларида қурилиш ишлари ҳажмининг камайиши кутилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси З ойда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ кутилмалари 10,2 бирликка ҳамда буюртмалар жорий ҳолати¹ индекси 4,8 бирликка пасайган.

2-жадвал. Қурилиш соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йигма индекс		
	2020 йил август	2020 йил сентябрь	Ўзгариши
Бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши	47,0	54,2	7,2
Иш ўринлари сони ўзгариши	47,6	50,6	3,0
Буюртмаларнинг (талабнинг) жорий ҳолати	53,0	48,2	-4,8
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	64,5	59,6	-4,9
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	63,3	59,6	-3,7
Қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши бўйича кутилмалар	64,5	54,2	-10,3
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	61,4	51,2	-10,2

¹ Буюртмаларнинг жорий ҳолати қурилиш корхоналарининг келгуси даврдаги фаоллигини баҳолайди.

Шунингдек, сўров натижалари қурилиш корхоналарининг **молиявий ҳолати** ҳамда **айланма маблағлар билан таъминланганлик** даражаси август ойига нисбатан бироз ёмонлашганлигини (тегишли индекс қиймати мос равища 4,9 ва 3,7 бирликка камайган) кўрсатди.

Хизматлар соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Сентябрь ойида хизматлар соҳасида **иқтисодий фаоллик индекси** август ойига (46,4) нисбатан 10,6 бирликка ошиб, 57 ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик индексининг барча компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажми (11,8 бирликка), талаб (13,5 бирликка) ҳамда иш ўринлари сони (6,6 бирликка) ўзгаришида ўсиш тенденцияси кузатилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг сентябрь ойида **айланма маблағлар билан таъминланганлик** ҳамда **молиявий ҳолатининг** ҳам яхшиланганлиги (тегишли индекс қиймати мос равища 9,3 ва 6,3 бирликка ошган) кузатилди.

3-жадвал. Хизматлар соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил август	2020 йил сентябрь	Ўзгариши
Кўрсатилган хизматлар ҳажми ўзгариши	48,8	60,6	11,8
Хизматларга талаб ўзгариши	48,5	62,0	13,5
Иш ўринлари сони ўзгариши	41,7	48,3	6,6
Корхоналарнинг жорий молиявий ҳолати	49,4	58,7	9,3
Айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати	51,2	57,5	6,3
Хизматлар ҳажмини ўзгариши бўйича кутилмалар	72,8	68,4	-4,4
Хизматларга талабнинг ўзгариши бўйича кутилмалар	77,2	69,3	-7,9
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	66,9	59,2	-7,7

Сентябрь ойида хизматлар соҳасида **ишибилармонлик қайфияти индекси** август ойидаги 72,3 дан 65,6 гача пасайган бўлиб, мазкур пасайиш асосан август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши шароитида кутилмаларнинг кескин яхшиланиши ва сентябрь ойига келиб кутилмаларнинг мўтадиллашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бунда, респондент корхоналарнинг хизмат кўрсатиш ҳажми (4,4 бирликка), хизматларга талаб (7,9 бирликка), иш ўринлари сони ўзгариши (7,7 бирликка) бўйича кутилмалари пасайган.

Савдо соҳасидаги иқтисодий ҳолат ва кутилмалар

Тармоқлар бўйича солиштирганда, жорий йилнинг сентябрь ойида **иқтисодий фаоллик индексининг** энг юқори ўсиши савдо соҳасида кузатилган бўлиб, мазкур кўрсаткич август ойидаги 41,9 дан 54 гача (12,1 бирликка) ошган.

Соҳада иқтисодий фаоллик индексининг ошиши маҳсулотлар сотув ҳажми индексининг ҳамда иш ўринлари сони индексининг мос равища 14,8 ва 9,4 бирликка ошиши ҳисобига шаклланди.

4-жадвал. Савдо соҳаси корхоналари кўрсаткичлари

Корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	Йиғма индекс		
	2020 йил август	2020 йил сентябрь	Ўзгариши
Маҳсулотлар сотув ҳажми ўзгариши	43,3	57,9	14,6
Иш ўринлари сони ўзгариши	40,6	50,0	9,4
Товарлар захирасининг жорий ҳолати ўзгариши	58,9	51,5	-7,4
Сотув ҳажмининг ўзгариши бўйича кутилмалар	70,6	75,2	4,6
Иш ўринлари сони ўзгариши бўйича кутилмалар	56,7	55,0	-1,7

Шу билан бирга, савдо соҳасида сентябрь ойида **ишибилармонлик кайфияти индекси** ижобий шакланган бўлсада, мазкур кўрсаткич август ойидаги 62 дан 60,6 гача пасайди.

III. Методологик изоҳлар

Иқтисодий фаоллик индекси – корхоналарнинг жорий иқтисодий фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ иқтисодий фаоллик индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади. Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ иқтисодий фаоллик индекслари эса, ўз навбатида, ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажми, ишчилар сони, буюртмалар (талаб) ва товар-хом ашё захиралари ҳажми ўзгариши ҳолатини акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Иқтисодий фаоллик индекси 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши жорий иқтисодий фаолликнинг ижобий шаклланганлигини кўрсатади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси (*Business confidence index*) – корхоналарнинг келгуси даврлар учун иқтисодий кутилмаларини акс эттирувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар бўйича алоҳида ҳисобланган тармоқ ишбилармонлик кайфияти индексларининг (суб-индекслар) ўртача тортилган қиймати ҳисобланади.

Бунда, мазкур кўрсаткични ҳисоблашда тармоқлар вазни сифатида уларнинг ЯИМдаги улушлари қўлланилади.

Тармоқ ишбилармонлик кайфияти индекси ҳар бир тармоқ учун маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар кўрсатиш), буюртмалар (талаб), тайёр маҳсулотлар захиралари ҳажми ва ишчилар сони ўзгариши бўйича кутилмаларни акс эттирувчи саволларга олинган жавобларга тенг улушлар қўллаган ҳолда баҳоланади.

Ишбилармонлик кайфияти индекси 0 дан 100 гача бўлган оралиқда ўзгаради. Индекснинг 50 дан юқори бўлиши келгусида иқтисодий фаолликнинг ижобий ўзгаришини кўрсатади.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёrlанган

E-mail:sturginboev@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-09